

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 15 (66244)
2000 йил 13 апрель.

Сотувда эркин нархда

...МИЛЛИОНТА МУЗҚАЙМОҚ

ЎКИ НОНИМИЗНИ ТУЯ ҚИЛГАНЛАРНИНГ ТИШЛАРИ СИНДИРИЛДИ

«Вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Б. Мирзаев бошқарманинг режа ва иқтисод бўлими бошлиғи Ҳ. Худойбердиев билан тил бириктириб, Шеробод туманидаги сайёҳлар оромгоҳи директори Н. Садатовдан пора олаётганида қўлга тушган ва жиноий жавобгарликка тортилган. Унинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Н. Ҳайитқулов эса мактаб ва мактабгача бўлган тарбия муассасаларини таъмирлаш учун ажратилган беш миллион сўмдан зиёд маблағни ўзлаштириб юборган.

Олтинсой тумани Халқ таълими бўлими К. Сувонов ҳам туман молния бўлими мудирини Ч. Абдусатторов билан тил бириктириб, бир юз тўқсон етти минг сўм маблағни ўзлаштирган. Мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган бу шахслар халқ таълимига ажратилган маблағларни нотўғри режалаштириб, давлатга 35 миллион сўм зарар етказишган.

Термиз шаҳар халқ таълимининг мудирини Х. Чориевнинг кирдикорлари эса ҳаммасидан ошиб тушди. У шаҳардаги олтига болалар боғчасига умумий олинмаган озиқ-овқат маҳсулотларини «олинди» деб, 21,4 миллион сўмлик бюджет маблағни ўзлаштирган».

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан)

Юртбошимиз «Соғлом авлод» учун қайғураётган вақтда баъзи бир кимсаларнинг бундай кирдикорлари асло кечирилмас ҳол. Айниқса, биз болаларнинг нонини «туя» қиладиган очкўзларнинг танобини тортиб қўядиган адолатпарвар раҳбарлар ҳам бор. Тўғри, биз томондаги мактабларда камчилик борлигини сезардик. Ойнаи-жаҳонда берилаётган замонавий услубда таъминланган ўқув масканлари, янги қуриб битирилган академик лицейларни кўриб «Тошкентга бориб ўқийман», деб ният қилардик. Сурхон воҳасида ҳам шундай маконлар қурилса эди, деб орзу қилардик. Лекин бундай улкан қурилишларга, таъмирга маблағ кераклигини билиб, ўзимизча «бизнинг жойлар - чет жойлар, кимнинг ҳам кўзи учиб турибди бундай академик лицейлар қуриб беришга», деб ўйлар

эканмиз. Укаларимизни ҳам боғчалардан олаётиб, албатта қўлларига ейишга ул-бул берардик. Чунки болалар боғчаларидаги аҳвол ачинарли эди. Қишда совуқ, ёзда иссиқ, овқатлари ҳам тотли эмас, суюқ макарон шўрва бўлганидан кейин, ноилож укаларимиз боғчага ҳам бормай қўйишган эди.

Тошкентдаги олий ўқув юртларига кирган, чет элларда ўқиётган ака-опаларимиз ҳам бор. Улар бизга доим ўрناق бўладилар. 1999 йили «Тонг юлдузи»нинг «Иқтисоддан сабоқлар» конкурсидан қатнашиб яхши ўринлар ва мукофотлар ҳам олдик. Алпомиш авлодларидан бўлган спортчиларимиз эса дунёга танилмоқда. Бойсун қўшиқлари юртимиз узра таралмоқда...

Ота-оналаримиз бир вақтлар «Тонг юлдузи» («Ленин учқуни»), «Фунча», «Гулхан» каби газета ва журналларга мажбуран обуна бўлганларини кўп гапирдилар. Бир хонадонда уч ўқувчи бўлса уччаласи ҳам айтайдик шу газетга эзилиши шарт экан. Мабодо уйдан обуна учун пул олиб келмаса, мактаб эшиги олдида туриб олган мураббий ёки

этакчилар ўқувчини яна изига қайтариб юборар экан. Совет тузуми ўз гоёсини ҳатто болаларига-да қандай синдиришни билган экан! Бизнинг миллионларни туя қилиб юборган «йўлбошчи»ларимиз лоақал бир миллионни обуна учун сарфласа эди, йил бўйи болалар маънавиятига ҳисса қўшгани учун савобга қолган бўларди.

Юртбошимиз воҳамизга келиб, камчиликларни юзага чиқаргани, танқид қилгани, тартиб ўрнатгани биз болалар учун айнаи муддао бўлди. Айниқса, 2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилингани боис бизга тегишли маблағ энди ўзимизга хизмат қилади. Шунда кимнингдир чўнтагига тушиши мумкин бўлган пулга укаларимизга ширинлигу музқаймоқлар, ўйинчоқлар олиб бера оламиз. Билагимиз кучга, бошимиз илмга тўлиб, келажакда юртбошимиздек хизмат қиламиз.

Сурхондарёлик бир гуруҳ ўқувчилар номидан Исфандиёр ЭШОНҚУЛОВ,
Музробод тумани,
Улуғбек номидаги мактаб.

«АЛИФБЕ»НИ ЭНДИ МЕН...

Фасллар келинчаги баҳорни бошқа фаслларга қараганда кўпроқ яхши кўраман. Чунки баҳорда табиат гўзаллашиб, байрамлар-байрамларга уланиб кетади.

Мактабимизнинг 1- «В» синф ўқувчилари томонидан тайёрланган «Алифбе» байрамига Наврўз байрами ҳам қўшилди. 1- «В» синф раҳбари Ҳилола Ҳамидова ўқувчиларнинг турли шеър, кўшиқлар айтиб, ташриф буюрган ота-оналар, устозлар ва бошқа меҳмонлар кўнглини хушнуд этганидан жуда шод. Ўқувчилар йил давомида ҳарфларни ўрганиб, ўқишни яхши ўзлаштириб олдилар-да, ахир! Уларнинг билимлари шеър ёдлашларида, кўшиқларида, одоб ҳақидаги саҳна кўринишларида яққол кўринди.

Байрам дастурхонига сумалак, кўк сомса каби тансиқ таомлар тортилди. Байрам

сўнггида илмий бўлим мудирини Дилдора Ҳикматова, маданият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Сайёра Суннатова-лар «Алифбе»ни ҳеч қийналмай ўқийдиган ўқувчиларни саводли бўлгани билан табриклади.

Гулноза МАҲСУДОВА,
Тошкент вилояти,
Тошкент туманидаги
25-мактабнинг 6-синф ўқувчиси.



Боғимизда тантана,
Эрта тонгдан шомгача.
Чумчуқ кўниб олади
Девор оша томгача.

Қушларнинг ашуласи
Бир-бирига уланар.
Қалдирғоч тугул ҳатто
Булбул навбат тиланар.

Қушлар базмига макон,
Бобомлар эккан дарахт.
Узумларни асролмай
Баъзан бувимлар карахт.

Узум етар ҳаммага,-
Дейман, бобомдек кулиб.
Мен ҳам кўчат экман,
Дарахтга бола қилиб...

Кўчат экдим

Умид Абдуазимова шеъри
Баҳромжон Эркабоев музикаси



ТАЭКВАНДО ЎРГАНАМИЗ

Хозирги кунда бутун жаҳон миқёсида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам спортга катта эътибор қаратилган. Юртимизнинг барча шаҳар ва туманларида спорт майдонлар, теннис кордлари, шашка ва шахмат тўғарақлари, кураш заллари ва бошқа кўпгина спорт турларига мўлжалланган бинолар қад кўтармоқда. Уларнинг барчасида ўсмир-ёшлар ҳар хил спорт турлари билан шуғулланиб, чет давлатларда бўладиган мусобақаларда мунтазам қатнашиб келмоқдалар.

Мақтабимизда ҳам ўқувчи - ёшларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда таэквандо спорт тўғараги иш бошлади. Ушбу тўғараққа ўз касбининг моҳир устаси Илҳом ака бошчилик қилмоқдалар. Тўғараққа юздан ортиқ ўқувчи жалб қилинди.

2000 йил Юртбошимиз томонидан «Соғлом авлод йили» деб аталиши ёшларга бўлган яна бир ишонч деб ўйлайман. Шундай экан, биз ёшлар масъулиятни ҳис қилган ҳолда, берилган шарт-шароитлардан фойдаланиб, чуқур билим олиб, бу ишонччи оқлашимиз керак.

Нидуфар ҲАЙИТОВА,
Бухоро вилояти,

Ғиждувон туманидаги 8-умумий ўрта таълим
мактабининг 8-синф ўқувчиси.



ЎДИМГА ТУШДИ

Баҳор шунчалар гўзал фаслки, таърифлашга тил ожиз. Баҳор фасли ўлкамизга кириб келиши билан қалдирғочлар уялар кура бошлайди. Қир-адирлар кўм-кўк бўлиб, лолақизғалдоқ, бойчечак, бинафша каби гуллар ўз ифорини таратиб, табиатни янада гўзаллаштириб юборади. Бу фаслда биринчи бодом, кейин эса ўрик дарахтлари куртак очиб, гуллади. Дерзамиз олдидаги ўрик оппоқ гулдастага айланганини кўриб, Ҳамид Олимжоннинг шеъри ёдимга тушди:

*Деразамнинг олдида бир туп,
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.
Новдаларни безаб гунчалар,
Тонгда айтди ҳаёт отини.
Ва шаббод қурғур илк саҳар,
Олиб кетди гулнинг тотини...*

Саодатхон САДИРҲОНОВА,
Тошкент шаҳар, Яққасарой
туманидаги 118-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

БИР СЎМ ҚАНИ?

Салом, азиз дўстимиз, яқин сирдошимиз «Тонг юлдузи»!

Биз 2000 йилдан бошлаб сенинг доимий мухлисинга айландик. Ишончимиз комилки, сен юртимиздаги барча ёшларнинг қалб тўридан ўрин олгансан. Сенга тилагимиз, доимо юлдуз мисол порлаб тургин. Ҳур Ватанимиз ёшларини ўз нурунгдан баҳраманд этгин!

Ушбу топишмоқни эса тенгдошларимиз эътиборига ҳавола қилмоқдамиз:

Уч саёҳатчи тунаш учун меҳмонхонага келишибди. Меҳмонхона хўжайини улардан 30 сўм талаб қилибди ва ҳар бир саёҳатчи 10 сўмдан берибди. Хўжайин кейинроқ ўйлаб қараса, 25 сўм олиши керак экан ва у бир бола орқали 5 сўмни саёҳатчиларга қайтариб юборибди. Бола эса ўзига 2 сўм олиб, саёҳатчиларга 3 сўмни бир сўмдан бўлиб берибди.

Шундай қилиб, ҳар бир сайёҳ меҳмонхонага 9 сўмдан тўлашган, бола эса ўзига 2 сўмни олиб қолган. Лекин 9 ни 3 га кўпайтирсак, 27 ва бунга 2 ни кўшсак 29 сўм бўлади.

Яна бир сўм қаерга кетган?

Адиба ШОДИЕВА ва
Инобат САЙИДАҲМЕДОВА,
Самарқанд шаҳри. Сартена
массиви.

КИЗ БОЛА ЭПЛИ БЎЛСИН

Кизларнинг келажакда бахтли яшаб кетиши учун гўзал ҳусни, либосларидан кўра ҳаёси, ибоси биринчи ўринда туради. Негаки, ўзга хонадонга яхши ниятлар билан қадам қўйган келинчак ифбатли бўлса, ўша хонадондан файз, дастурхондан қут-барақа, меҳр-оқибат аримайди. Ахир, сулув келинчак учун бундан ортиқ бахт борми, дунёда?

«Сунъий гўзалликка ортиқча аҳамият берма, ундан кўра қўлингни бега», - дейдилар онажоним. Дарҳақиқат, киз бола борадиган ерини жаннатга айлантириб, оила аъзоларини меҳрини қозонишни истаса, қўлини бегаши, яъни ҳунар ўрганиши лозим. Кашта тикишни билладиган, кўйлақлар тикадиган, зардўз келинчакларнинг уйини бир кўринг-а?! Айниқса, хилма-хил, шириндан-шакар таомларни пиширадиган қўлигул пазанда келинни ким орзу қилмайди, дейсиз? Лекин кейинги вақтларда каштачилик, тўқувчилик каби ҳунарлар деярли унутилаёзди. Мактабларда тўғарақлар очиб, ўқувчиларга шу каби ҳунарлар ўргатилса яхши бўларди.

Демоқчиманки, биз - кизлар ортиқча безаклар, турли моддалар ҳақида ўйламасдан, энг аввало, илм олиш, ҳунар ўрганишни олдимизга мақсад қилиб қўйишимиз керак. Шундагина, ёшлик дамларимизни зое кетказмай, келажакдаги бахтимизга замин яратган бўламиз.

Назира ЭРҒАШЕВА,
Бухоро вилояти, Ғиждувон
туманидаги 8-умумий ўрта
таълим мактабининг 8-синф
ўқувчиси.

ҚУШЛАР ОВОЗИНИ ЎХШАТДИК

Мақтабимизда 8-синфлар аро қушлар байрами бўлиб ўтди. Бунда 8- «А», 8- «Б» ва 8- «В» синф ўқувчилари беллашдилар.

Байрам шартлари: танишув, қушларнинг овозини ўхшатиш, эркин мавзу, занжир ўйини ясаш, ҳарфлардан қуш номини тузиш ва топишмоқларни топишдан иборат эди. Ҳар бир ўқувчи тадбирга уйда парвариш қилган қушни олиб келди. Ўқувчилар ўз маҳоратларини қушлар овозини ўхшатиш билан ҳам намоён қилдилар.

Тадбирда 8- «В» синф ўқувчилари барча шартларни аъло даражада бажардилар. Голиб ўқувчилар мақтов ёрлиғи билан тақдирландилар.

Тадбирни ўтказишимиздан мақсад, биологиядан олган билимларимизни мустаҳкамлаш ва шу ўринда қушларга, табиатга меҳр уйғотишдир.

Марғуба ҲАЙИТОВА,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон туманидаги
49-мактабнинг 8-синф
ўқувчиси.

ЎЗ ОНАМ

Онам 4-синфдалигимда оламдан ўтганлар. Онамнинг вафотларидан кейин синглим билан кир ювишга, овқат пиширишга, нон ёпишга қийналиб қолдик. Бувим билан бирга яшай бошладик. Бувим ҳам 60 дан ўтиб, қариб қолгандилар. Бизга ҳам, бувимга ҳам очиги қийин бўлди. 1-2 йил ўтгач, бувим Чўлигулистон қишлоғидан Ҳақимахон деган аёлни онанг ўрнига она, деб олиб бердилар.

Бошида ўғай онамга ўрганишимиз қийин бўлди. Шунда бувим: «Энди ўзингни онанг қайтиб келмайди, нима бўлганда ҳам шу аёлни она ўрнида кўрасан», - дедилар. Бувимнинг гапларини икки қилолмадим. Кейин билсам, ўғай онам меҳнатқаш, кўнгли пок, меҳрибон эканлар. Фарзанд кўрмаганликлари учун болаларни яхши кўрарканлар. Бизни оқ ювиб, оқ тараб, ўкситмай катта қиляптилар. Мен яна ўз онамни топгандай бўлдим.

МУҚАДДАС,
Фарғона вилояти,
Ёзёвон туманидаги
2-мактабнинг 7-синф
ўқувчиси.

ҲАЁТ - ОНАЛАР ЯРАТГАН АСАР

*Ҳаёт бу - оналар яратган асар,
Борлиқнинг борлиги аёл биландир.
Унинг офтобидан олам мунаввар,
Унинг хандасидан олам чамандир.*

Она... Она қалби тиниқ булоқдир. Унда фарзанднинг камоли, келажак ақс этади. Она меҳри дарёдир. Дарё суви балки тугар, она меҳри тугамайди. Оналар бу - халқадир. Улар инсониятни бир-бирига боғлаб туради. Зеро, бир қўли билан бешикни, иккинчи қўли билан дунёни тебратлади.

Она меҳри... Биздаги жамики ҳислатлар она меҳри туфайли. Чунки, барча яхши ҳислатлар она меҳри билан фарзандлар онгига сингади. Зотан инсон ҳамиша онага талпинади, унинг бағрида ўзини хотиржам ҳис этади, дунё ташвишларини биров бўлсада унутлади. Она учун фарзанднинг камолини кўришдан ортиқроқ бахт йўқ, менимча. Шундай экан, азиз дўстлар, машҳур шоир Муса Жалилнинг:

*Она! Қандай азиз,
Қандай буюк ном!
Уни шарафлайлик,
Севайлик мудом,*

- деган юрак сўзларига амал қилайлик.

Наргиза ИКРОМОВА,
Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳридаги
13-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

Бозорда

**ОШИНГ ҲАЛОЛ
БЎЛСА...**

Негадир, савдо-сотик билан шуғулланувчи аёллар ҳақида турли гап-сўзлар, гийбату миш-мишлар юради. Баъзан эшитиб қоламан, «қўлига пул тушган аёлдан кўрқ», «бозорчи аёл-озорчи аёл...»

Шахсан мен учун кулгули иборалар...

Чунки, беш бармоқ бир хил бўлмаганидек, бозорда савдо билан машғул аёллар қисмати ҳам бир хил эмас. Тўғри, яхши жойда, ёмон ҳам бўлади. Лекин, бу ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади, дегани эмаску?

Фикримни меҳрибон, тadbиркор онажоним иш фаолияти билан исботламоқчиман. Онам Манзураҳон ўн йилдан ошибдики, савдо иши билан машғул. Кўқонда тadbиркор, савдогар аёл сифатида танилган. Дадам эса шаҳардаги ўнинчи автопаркда ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Онам ҳам энгил автомашина бошқаришда дадамдан қолишмайди. Улар оилавий, гоҳ савдо ишларида ҳам доимо ҳамфикр, маслакдош. Онам ҳамиша: «Юрган дарё, ўтирган бўйра» деган ҳикматли сўзни кўп бор такрорлайди. Энг асосийси, яхши турмуш учун, осойишта ҳаёт учун инсон аввало ўзи ҳам ҳаракат қилиши, шундагина оз бўлса-да, юрт равнақига ҳисса қўшиши мумкинлигини ўз фарзандларига кўп бор уқтирадилар.

Зилола АЛЁРОВА,
Кўқон шаҳридаги
Педагогика институти
қошида очилган лицейнинг
10-«Б»синф ўқувчиси.



Боғчада

**БОҒЧАДАН
ГИМНАЗИЯГА...**

Қачонки радио, телевиденидан журналист келса, албатта бизни боғча-гимназиямизга келади. Тўғрироғи, туман ҳокимлигидаги опалар ва акалар энг ибратли боғчалардан бири, дея бизни боғчамизни кўрсатишади. Чинданам, ибрат олса арзигулик боғчамиз бор. Ҳар бир ўғил-қизни ўз фарзандидек суйгувчи Муҳаббат Охуновадек боғча мудирамиз бор.

Балиқчи тумани марказида жойлашган иншоотлар, турли ташкилотларга тегишли бинолар қаторида боғчамиз ҳам ўз ҳуснига эга. Боғча опаларимиз ҳам ўзимиздек қувноқ. Ҳабиба Эшмонова, Танзила Саидкулова, Дилфуза Ҳожиматова, Дилором Абдураҳмоновалар болажонларнинг жону-дили. Сабоқларини тинглаб, зерикмаймиз. Боғчада олган билимларимиз билан гимназиянинг ўқувчисига айланамиз. Катта танлов асосида боғчадан гимназияга қабул қилинамиз. Боғчамиз туман ҳокимлиги қарори ҳамда гимназия директори Мирзапўлат Имомов ташаббуси билан ташкил этилган.

Мана, шунга ҳам тўрт йил бўлди. Инглиз ва рус тилига ихтисослаштирилган боғча-гимназия ўқувчиларидан нафақат муаллималарни, балки ота-оналаримизнинг ҳам умидлари катта.

Дилфуза АСҚАРОВА,
Балиқчи туманидаги
«Истеъдод» номли
иқтидорли болалар
боғча-гимназиясининг
2-синф ўқувчиси.

КўНҒИРОҚСИЗ ТАНАФФУС!

Мактабда

Сиз ҳам эшитганмисиз, дарсга кўнғироқсиз кириб-чиқилишини.

Бизнинг лицей интернатимизда ана шундай янгиликни ўйлаб топганлар. Қандай қилиб дейсизми? Унда эшитинг:

Туманимизда жойлашган 16-лицей интернатимизда 95 нафар ўқувчи билим олади. Унга тажрибали, ташаббускор муаллим Илҳомжон ака Қирғизбоев раҳбарлик қилади. Вилоят Халқ таълими бошқармасига қарашли лицейимиз химия, биология, математикадек аниқ фанларга йўналтирилган. 7-8-10-11-синфларни ўз бағрига жамлаган даргоҳда 15 нафар муаллим системали равишда дарс соатларини ташкил этганлар. Шаҳрихон, Балиқчи, Язёвон, Норин, Бўз, Учкўприк туманларидан келиб, билим олаётган ёшларнинг 80 фоизи ҳар йили олий ўқув юртининг талабасига айланмоқда. Бу эса лицейда меҳнат қилаётган зиёвонлар кучига янада куч бахш этмоғи аниқ. Айниқса, Матлубаҳон Сулаймонова, Абдуҳамид Охунжонов, Комилжон Тожибоев, Шарофиддин Зайнобиддинов, Абдувоҳид Курбонов, Сабоҳон Ҳожиматова, Валижон Дадахоновдек муаллимларга куллуқ қилинг келади. Негаки, ўқувчилар шаънига берилётган турли мазмундаги фахрли ёрлиқлар, раҳматномаларда шу инсонларни албатта кўмаги бисёр.

Мана шундай. Улуғнор туманининг энг ибратли даргоҳларидан бирида дарс кетаётир. Дарс тугаб, ўқувчилар бирин-кетин танаффусга чиқмоқдалар. Ие, кўнғироқ бўлмадику, дейишингиз табиий, ажабланманг! Чунки, бу ўқувчилар ҳар бир синф тўрисида осиб қўйилган соатга қараб танаффус вақтларини белгилайдилар. Белгиланган вақтда яна ўз синф хоналарида навбатдаги дарсга ҳозирланадилар. Шовқин-суронсиз танаффусга не етсин! Нима дедингиз-а?



Сафарали МИНГБОВ,
Улуғнор туманидаги
16-лицейнинг Ёшларни чақирувга
тайёрлаш бўлими ўқитувчиси,
капитан.

Кўчада

ВАРРАК

Баҳорги таътил кунларини Асалхон бувижонимникида ўтказдим. Сабаби, бувижоним Янгийўлдаги кенг ҳовлилардан бирида яшайди. Ҳовлисини орқа тарафида катта хирмон майдончаси бор. Бироз шамол эсди дегунча, маҳалла болалари шу ерга йиғилишади. Ким ўзарга варрак учираш мусобақаси бошланиб кетади. Бувижоним бўлса, набиралари Алишер, Ақром, Аҳрорлар учираётган варракка қараб, кимни варраги баланд уचाётганини аниқлаб ўтирадилар. Варраги унча баландламаётган кичкинтой Аҳрорни ҳархашадан тушириб, оувнтиради. Кеча ҳам тўрт ўғлон астойдил бирлашиб, варрак ясадик. Бир-биримиздан қолишмайдиган рангли қоғозлар топиб, варракни безадик. Ҳар биримиз варрагимизни «Оқ кабутар», «Само қуши», «Коинот», «Сирли қуш» дея номладик. Бувижоним ҳайрат раислигида «Варрак» мусобақаси бошланди. Бир-бирини қувиб олислаб кетаётган «қуш»ларга боқиб, осмонимиз нақадар мусаффо, осуда эканини яна бир бор ҳис қиламиз. Бувижоним эса қўлини дуога очиб, биздан узоклашиб бораётган «қуш»ларимизга ҳайратланиб, юзларига фотиҳа тортдилар.

Бувижонимнинг қилган ниятларини кўзлари шундоқ сўзлаб турарди.

Нодирбек ХОЛМИРЗАЕВ,
Сирғали туманидаги
374-мактабнинг 2-«Б»-синф ўқувчиси.

Уйда

**ҚАНЧА КўП БИЛСАНГ,
ШУНЧА ТўҚ БўЛАСАН...**

Дадамнинг қизиқ одатлари бор. Мактабда ўқитувчимиз берган уй вазифаси камлик қилганидек, дадам ҳар тонг ишга кетаётиб бир талай топшириқ берадилар. Опаларим Гўзал, Гулбаҳорку майли, улар ҳар қандай топшириқни вақтида бажариб ташлайдилар. Айниқса, ойна-жаҳон орқали «Янги авлод» студиясининг «Уй вазифаси» топшириқларини ҳар бирини ечмоғимиз шарт ва мажбур. Бу нафақат дадам, балки онажонимнинг ҳам талаби.

Менинг ҳам баҳоларим ёмон эмас. Лекин, кўпроқ вақтимни спорт билан ўтказишни хоҳлайман. Каратэ, миллий кураш мусобақаларида қатнашгим келади. Ҳатто тушларимда кўкрагимда ялтираб турган нишонларни кўриб чиқаман. Орзуларим жудаям кўп. Дадамга ўхшаб «қора белбоғ» соҳиб бўлмоқ энг катта орзуим. Ҳар оқшом дастурхон атрофида жам бўлганимизда дадам бажарилган топшириқлар якуни билан қизиқади. Гулбаҳорни кўп мақтайдилар. Чунки, у инглиз тилини бемалол ўзлаштириб олган. Ростини, унга ҳам ҳавасим келади. У бўлса, ҳавас билан иш битмаслигини, ўқиб-ўрганиш кераклигини айтади. Шу нарса таъсир қилдим, ҳозирда инглиз тилидан анча билимга эга бўлиб қолдим. Ота-онам ҳам хурсанд. Лекин, барибир кундузи дарс, китоб ўқиганим билан кечалари, тунлари футбол тўплари, ўзбек чопонларида кураш майдонига чиқиб келаётган полвонлар тушларимда тинч қўймайди-да!

Беҳзод ЙўЛБАРСОВ,
Сирғали тумани.

АДОВЛАТ ЭМАС

ХАЛОСКОР ВА ХУКМДОР

2000 йил 9 апрель куни мустақил Ўзбекистонимиз буюк саркарда, жаҳон тан олган давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 664 йиллигини нишонлади. Ўзбек халқининг фахри, ватанпарвар, ҳам ҳалоскор-у, ҳам ҳукмдор ҳақида шундай ёзадилар:

Соҳибқирон шуҳрати билсанг,
Насаби ҳақида гар суриштирсанг.
Отадан-отага то Одам-ато
Бори шоҳлик тахти узра қўймиш пой.
Шарофуддин Али Яздий

Милодий 1336 йил 9 апрель, ҳижрий 736 йил шаббон ойининг 9 кунда Муҳаммад Тарағай ва Тегина бегим (Амир Темурнинг ота-оналари) хонадонидида чақалоқ йиғиси янгради... Бу чақалоқ бўлажак Соҳибқирон Амир Темур эди!

СОҲИБҚИРОН СЎЗИНИНГ ШАЪНОСИ

Соҳибқирон сўзи фақат буюк инсонларга нисбатан ишлатиладиган сўздир. “Соҳиб”-эга дегани, “қирон”-юлдузлар илмида икки буюк, шарофатли сайёра- Зухра (Венера) ва Муштарий (Юпитер) ларнинг бир-бирига яқинлашган ҳолатидир. “Қирон” буржи бахт-саодат аломати ҳисобланади. Амир Темур- мазкур икки сайёра бир-бирига яқинлашган пайтда туғилган бахтли ва буюк подшоҳ.

ҲАР 800 ЙИЛДА БИР БУЮК ИНСОН ТУҒИЛАЙ

Зухра(Венера) ва Муштарий (Юпитер) юлдузларининг ўзаро яқинлашиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, ҳар саккиз юз йилда бир марта содир бўлади ва албатта бирон-бир буюк воқеа юз беради.

Тарихда бундай ҳодисага ёрқин исбот эса, Зухра ва Муштарий юлдузларининг ўзаро яқинлашганида улуғ инсонларнинг туғилганлигидир. Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида таъкидланишича, уч чақалоқ - Ҳазрат Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский), пайгамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом ва бобомиз Соҳибқирон Амир Темур айнан мана шу пайтда дунёга келганлар. Уларни ҳар бирининг таваллуди орасида 800 йил вақт ўтган. Энг муҳими, бу инсонлар ҳақиқатдан ҳам улуғ инсон бўлиб вояга етдилар ва тарихда буюк из қолдирдилар.

БОБОМИЗНИНГ БУЮК ВАРЛАРИ



Туркистон ва Турон заминнинг буюк фарзанди Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, босқинчи мўғулларнинг бир ярим асрлик ҳукмронлиги ва Мовароуннаҳрдаги феодал тарқоқликка барҳам берилди. Соҳибқирон ҳукмронлиги даврида мамлакат гуллаб-яшнади, савдо-сотик, деҳқончилик, ҳунармандчилик ривожланиб, жаҳон миқёсига кўтарилди. Темур Тўхтамишнинг буюк Ипак йўлига солиб турган хавфини бартараф этиб, уни халқаро тижорат йўлига айлантirdи.

Темур ўз давлатида илм-фан, адабиёт, санъат, маданиятни юксак даражада ривожлантирди. Меъморчилик, ободонлаштириш, кўприк, сув йўллари қурилиши борасида дунёни лол қолдирадиган ишлар қилди.

Соҳибқирон даврида унинг туғилган шаҳри Кеш ва Самарқанд энг машҳур шаҳарларга айланди. У Самарқанд атрофида 12 та машҳур боғ яратди, улардан бутун халқ баҳраманд бўларди. Боғлардан энг машҳурлари-«Боғи Бехишт», «Амирзода Шоҳруҳ боғи», «Боғи Дилкушо», «Боғи Шамол», «Боғи Жаҳоннома»лардир. Шунингдек, Темур пойтахт Самарқандда Гўри Амир, Бибиҳоним ёдгорлиги, Жомеъ масжиди, Шаҳрисабзда Оқсарой, “Кўк гumbаз”, “Пиру муршид”, “Шамсуддин Кулол” каби мақбараларни қурдирди.

Темур ҳар бир ғалабасини бирон-бир обида қуриш билан абадийлаштирарди. Хоразмни Мовароуннаҳрга бирлаштирганидан сўнг онаси Тегина бегим Моҳ шарафига 1380 йилда Шаҳрисабзда Оқсарой қурилишини бошлади. Қурилиш 20 йилдан ортиқ давом этди. Темур Оқсарой пештоқиға “Қудратимизга шубҳанг бўлса, биз қурдирган иморатларга боқ”,-деб ёзишни буюрган эди, унинг қолдиқлари ҳамон сақланмоқда.

Соҳибқирон Самарқанд атрофида бир нечта қишлоқлар бунёд эттириб, уларга Миср, Боғдод, Дамашқ, Султония, Шероз каби дунёнинг машҳур шаҳарларининг номларини берди.

Темур ўз авлодларига шу қадар буюк маънавият қолдирдики, уни асрлар давомида бутун жаҳон тан олиб келмоқда.

Соҳибқирон Темур маънавий мероси жаҳон маънавий бойлигининг ажралмас қисмидир. Биз - ёш авлод Соҳибқирон Амир Темурдек буюк бобомиз борлигидан фахрланамиз.

АДОЛАТ ЕНГАДИ

БОБОМИЗНИНГ КҮРҮНИШИ ҚАНДАЙ БҮЛГАН?

Кўп замонлардан буён тарихчилар Темурнинг асл шахсияти ва сиймосини тиклашга ҳаракат қилиб келадилар. Улар Соҳибқироннинг ташқи кўринишидан шу ғайриоддий сиймонинг одамларни лол қолдириб, тарихни ҳам ўз измига бўйсундира олган ҳислатларини топишга ҳаракат қилишадди.

Табийки, энг қадимги манбаалар Соҳибқирон тасвирланган шарқ миниатюраларидир, бироқ улардан ҳам кўп нарса олиб бўлмайди. Бизга маълум барча миниатюралар Улуғ амир вафотидан сўнг яратилган.

Амир Темур тасвирланган энг қадимий (XVI аср) Оврупо гравюралари ҳам уйдирма портретлардан ўзга нарса эмас. Инглизлар уни Икки Атиргул уруши даврининг лорди қиёфасида кўришса, французлар мушкетёрлар, олмонлар рицар каби, италянлар эса флоренциялик жаноб кўринишида тасаввур қилишган.

Ибн Арабшоҳнинг солномасидаги материалларга асосланиб, Соҳибқироннинг етук ёшидаги портретини яратиш мумкин.

Амир Темурнинг бўйи бир метру етмиш сантиметр, елкалари кенг, бўйни йўғон ва боши катта, чеҳрасида кучли характер эгасига хос белгиларни кўриш мумкин: кенг юзининг ёноқлари алвон, қиррабурун, лаблари қалин, кўзлари йирик, киприклари узун, пешонаси кенг, териси оппоқ, узун мўйловли, тарошланган соқолининг ранги қора бўлган.

Самарқандда яшаган Ибн Арабшоҳ Амир Темурни кўп бора кўрган, шунинг учун ҳам уни замон ва воқеаларнинг тирик гувоҳи, деб ҳисоблаш мумкин.



ЁШЛИК ҲАВАСЛАРИ

Бобомиз ёшлик давриданоқ мустақил ҳаёт кечирди. Чунки болалигида онасидан бевақт ажралган. Шунинг учун у вақтини эркаклар жамоасида ўтказар эди.

Ёш Темурбек ов билан шуғулланар, уруғ молларини боқар ва барлос йигитларига бошчилик қиларди. Баъзан қўшни уруғларнинг чўпонларига қарши куч ишлатишга ҳам тўғри келарди, ана шунда ўқ-ёйлар уча бошларди, қилич тифлари ялтирар, ҳатто қон ҳам тўкилар эди. Шу тариқа Темурбек ёшлигидан отда юришни, қиличбозлик санъатини мукамал эгаллай борди. Бундан ташқари Темурбек Кеш масжидига қатнар, тақводор отаси Тарағайга муносиб тарзда диний билим олишга интиларди.

Марказий Осиёда кенг тарқалган мистик маъзаб аъзолари, сайёҳ, турк дарвешлари билан гулхан атрофида узоқ қолиб кетар ва дарвешларнинг фойдали маслаҳатларини доим ёдда тутар эди.

Шайх ва уламолар мажлисларида тез-тез иштирок этиб, шариат ақидаларини яхши эгаллаб, жангари уруғ фарзанди бўлиб етиша борди.

ИСЛОМ ЭЪТИҚИНИНГ ВОЗИ

Исломи дини Амир Темурнинг эътиқоди ва иймони эди. Бобомиз ислом динини ўз салтанатининг асосий қонуни сифатида қабул қилди ва шариат қонун - қоидалари асосида давлатни бошқарди.

Амир Темур ислом динини мустаҳкамлаш билан бирга, унга ривож берган буюк шахсдир. У ўз фаолияти давомида ислом динини етти иқлимга ёйди.

Темур бобомиз Қуръони Каримни ёддан билар, бутун ишлари, режалари, ҳаракатларини ислом қонун-қоидалари асосида олиб борди.

АМИР ТЕМУР ҲАВАСЛАРИДА

Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тadbир билан амалга ошириш мумкин.	Филнинг думи бўлгунча, чумолининг боши бўл.
***	***
Чақалоқларни йиғлатмангиз, болаларга озор бермангиз, бу гуноҳи азимдир. Бундай гуноҳни Оллоҳ хуш кўрмагай...	Бугунги ишни эртага қолдирма.
***	***
Яхшини ёмон кунда сина.	Курашиб эришилмаган галаба - галаба эмас.
***	***
Бир калима ширин сўз қилич-ни қинга киритар.	Адоват эмас - адолат енгади.
***	***
Шер йигитни номус ўлдирар.	Ваҳима - душманнинг йўлдоши.
***	***
Душмандан кўрқма, мунофиқдан кўрқ.	Душманнинг кулгани - сирингни билгани.
***	***
	Номуссиз хиёнатдан, номусли ўлим яхши.

Шоҳрух КАРИМБЕКОВ ва Шарофиддин РИСКҲУЛОВлар тайёрлади.

ОҚ ЙЎЛ, МАРҲАБО!

Юртимиз болалари ҳақида ўйлаганимда, қалбимни алланечук бетакрор қувончлар, шодликлар қамраб олади. Неки яхши нарса бўлса, барчаси-уларга, бахтиёр авлод камолотига хизмат қилаётир. Азиз фарзандларимиз камоли, қобилиятларини тўла намоен этишлари йўлида қанчадан қанча ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Биринчи синфга борадиган бола давлатимиз раҳбарининг шахсий совғасини олапти, аълочи, билимдон, дунёқараши кенг болаларимиз учун энди хориж орзу эмас, балки ҳақиқатга айланди. Жаҳон андозалари билан тенглаша оладиган замонавий лицей ва коллежлар ҳам болаларимиз истиқболига хизмат қилаётганидан фахрланмай, ифтихорга тўлмай бўладими! Бундай ардоқ ва ғамхўрликларни санаб адоғига етиб бўлмас!

Ижод гулшанига эндигина қадам қўйган навоийлик А. Фитрат номли мактабнинг 8-синф ўқувчиси Марҳабо Камолова шеърий машқларида бахтиёр болалик учун миннатдорлик, она Ватанга, юртга, муҳаббат ҳис туйғулари, саҳоватли инсонлар мадҳи, табиатдан завқланиш сингари мавзулар етакчи ўринни

эгаллаётганлиги, келажакда ёш ижодкор қизнинг шеърийят бўстонида муносиб ўрин эгаллашига катта умид уйғотади.

14 ёшли қиз шеърий машқлари орқали тараннум этилаётган мавзулар майин бир қўшиққа ўхшайди. Марҳабо дилидаги севинчини болалик мушоҳадалари орқали ўз ўқувчисига етказишга интилади. Содда, жўн, аммо ниҳоятда беғубор фикрлар инжусини ипга теради.

Оддий бир оиланинг фарзандидаги улғайиб келаётган қобилиятни табриклаш, муваффақиятлар тилаш билан баробарида унга оқ йўл ҳозирлаш жуда-жуда зарур деб ўйлайман! Зеро, Марҳабо ижод машаққатидан чўчимай, мактабдаги ўқишини аъло баҳоларда давом эттирса, унга янада ойдин уфқлар ҳамроҳ бўлғусидир. Аёллар йилида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотига ҳам келгусида лойиқ деб топилиб қолса, ажаб эмас.

Оқ йўл, Марҳабо! Ўқи, изла, ижод қил, қизим!

Раъно ҲАКИМОВА,
Навоий шаҳар ҳокимининг ўринбосари,
хотин-қизлар қўмитаси раиси



Марҳабо КАМОЛОВА,
Навоий тумани А. Фитрат
номли мактабнинг
8-синф ўқувчиси.

ҲУРМАТ

Дўстим, сен яхшилиқ қил,
Доноликни доим бил.

Бу дунёда улуғлар
Сўзини қулоққа ил!

Ҳурмат қилсанг бировни,
Ҳурмат сенга қайтади.
Кўриб турган дўст-ёринг
Албат раҳмат айтади.

Ҳурмат иззат кўрсатмоқ
Тинчликни англатади.
Мустақил Ўзбекистон
Бахтини яратади.

САҲОВАТЛИ ИНСОНГА

Қадам қўйиб, боғ яратган
Дов дарахтга сув таратган

Саҳовату, меҳри ила
Она юртни чин яшнатган,
Раҳмат, Абдисамад ака!

Келса баҳор, тошар анҳор
Сўвга ташна чаман - боғ бор.
Тун чироқлар порлаб ҳар ён
Дилларни қилар чароғон,
Раҳмат, Абдисамад ака!

Меҳнат, заҳматлар туфайли

Боғлар шифил мева тугди.

Нечун юрак яйрамасин,

Шу меҳрибон зот туфайли,

Раҳмат, Абдисамад ака!

Боғ яратган ҳеч ўлмади,

Ой-куёшсиз нур бўлмади.

Сизсиз асло дил қулмайди,

Раҳмат, Абдисамад ака!

Узоқ-узоқ умр кўринг,

Соғ - саломат, бардам юринг,

Оқибату меҳрингиз-ла

Юракларга малҳам бўлинг

Раҳмат, Абдисамад ака!

НИЯТ

Дўстлар кулсин.

Меҳмон келсин,

Дастурхонлар

Нонга тўлсин.

Дунёдаги ҳар бир инсон

Ҳақгўй, бўлсин.

Меҳнатсевар ҳам жонкуяр,

Халқи учун жонин берар.

Ўз юртига шодлик тилар,

Тенгдошларим кўп яшасин.

Боғларидек хўп яшасин!



Шеър ёзиш Наргиза Меғлиеванинг севимли машғулотидир. Нафақат машғулотидир, балки келажакдаги орзуси-шоира бўлишидир. Унинг бир неча шеърлари «Мунаввар ёғдулар» номли китобда эълон қилинган. Сенга омад ва яхшилиқ доимо ҳамроҳ бўлсин, НАРГИЗА!

МАНГУЛИК

Йиллар ўтар, умр ҳам ўтар,
Ёруғ кун ҳам охир бўлар кеч.
Нима қолар оламда танҳо,
Ўйлаб жавоб тополмагайман ҳеч.

Саҳоватли, қуёшли ёки
Мангуликка юлдузли номзод?..
Фақат тарих жавоб бердики,
Халқ бахти деб яшар одамзод.

ҚАШҚАДАРЁ

Бу ўлканинг бори зиё,
Гул, кўкати меҳригё,
Инсонларинг қалби дарё,
Қашқадарё, Қашқадарё.

Доим бор бўл, обод ўлкам,
Яшнаивергин бўлиб кўркам,
Шодликларга доим ҳамдам,
Қашқадарё, Қашқадарё.

ҚАДАМЛАР

Қадамлар журъатли, журъатсиз
Умидли, умидсиз қадамлар,
Уларни қай ният йўлида
Бугун ташлаяпмиз одамлар?

Бизга инон-ихтиёр берган,
Содиқ ва жон фидо қадамлар.
Улар ишончини нечоғли,
Бугун оқлаяпмиз одамлар?

Беҳуда кетмасин ўлчовли
Умрда ташланган қадамлар.
Пок ният йўлида асрабон
Сарфлайлик уларни одамлар!



Наргиза МЕГЛИЕВА,
Қашқадарё вилояти, Косон
туманидаги Карим
Раҳмонов номли
мактабнинг 7-синф
ўқувчиси.

NAVRO'ZDIR QUTLUG' BAYRAM

Navro'zdir qutlug' bayram,
Kayfiyat choqdir har dam,
Bahorning ilk bayrami,
Sho'x bulbullar sayrami.

Qutlar hamma do'stlarni,
Yorlarni, birodarni,
Guldasta uzatadi,
Shirin so'zlar aytadi.

Ko'k somsalar, taom ham,
Shirindir til zabon ham.
Osmonimiz musaffo,
Juda sofdir bohavo.

Toshqin-toshqin soy bo'lar,
Endi erigan muzlar.
Tog'lar endi maysalar,
Chiqarlar bol arilar.

Navro'z ramzi tinchlikdir,
Yer suv bilan tirikdir.
Tinchlikdir yurtimizda,
Ollohdir qalbizda.

Nilufar PO'LATOVA
Yunusobod tumanidagi
9-maktabning
6-«A» sinf o'quvchisi

АЁЛГА ҚУЙИЛГАН ХАЙКАЛ



Самолётимиз оппоқ булутлар узра Нью-Йорк шаҳри томонга сузиб борарди.

Ўчоқ иллиминаторларида Атлантика океанини кўришдай истагим чипакка чиққан, ҳатто баъзилар елкасида сув сачратиб юрган Китларга кўзинг тушиши мумкин, деган қизиқтиришлари, энди аста-секин хом хаёлга айланаётгани. Юзимдаги изтиробни йўқотиш учун, ўзимга бошқа бир овуноқ ахтара бошлайман. Газеталарни титкилайман. Лекин ўн икки соат давомида бир жойда михланиб ўтириш ва газеталар билан мажбурий овуниш ҳар қандай ўқимишли дамнинг ҳам сабр-косасини тўлдириб юборди.

Чекиб келиш ҳаракатида, узун залга ўшаб кетадиган «Боинг»-

нинг ортки қисмига ўтар эканман, истараси иссиқ, чиройли, юзидан самимият ёғилиб турган қизга кўзим тушади ва унинг гўзаллиги шу қадар эдики, беихтиёр:

-Яхшимисиз, зерикканимдан нақ юрагим ёрилиб кетай деяпти, -деб юборганимни билмай қоламан.

-Телевизор кўрмаяпсизми, зўр кино бўлаяпти-ку!?

-Йўқ, ҳеч нарсани кўргим йўқ. Қанақа шаҳарга бориб қоламан, деган ўй бошимни гангитиб қўйди.

-Нима, биринчи келишингизми?

-Биринчи. Устига устак, тўсатдан. Ўзимни ўнглашга фурсат ҳам бўлмади.

Самолётга чиқишимдан кейингина Америкага кетаётганим хаёлимга келди.

-Таваккалчи экансиз-да?

-Энди сизнинг таваккалчилигингиз олдида бизники ҳолва бўлса керак.

-Менга нима қипти?

-Ёшсиз, гўзалсиз, бир ўзингиз шундай катта давлатга кетиб бораяпсиз. Ёнингизда ҳеч ким йўқ.

-Э, қўрқманг, мана уч йил бўлди. Биринчи курсга ўқишга келганимда ўн етти ёшда эдим. Киноларда чавандозларни, пистолетлардан ўқни нишонга бехато урадиган чапдаст ковбойлар юрти -Техасни топиб борганимда, хаёлимдаги Америка мутлақо бошқа эканлигига амин бўлдим. Бу ерда ҳаммаси бошқача. Одамлари, бизни-

киларга нисбатан содда ва самимий. Қизлари ҳам.

-Нега?

-Негаки ташқи кўринишларини оладиган бўлсак, бу ернинг қизлари бизнинг қизларга ўшаб ясан-тусан қилиб кийинмайди. Тилла сирға, тилла узук, тилла занжирларни деярли тақишмайди. Бутун Американи айланиб тилла тиш қўйган одамни учрата олмай-сиз.

Бизнинг қизларимиз пасон бўлиб, кўчага кийиб чиқадиган кийимларни булар фақат тўйга кийиб боришлари мумкин. Соч турмаклар, баланд пошна туфлиларни қиз бола йилда бир ёки икки марта катта базмларга борганда кияди. Қолган ҳолларда оддий, биз уйда киядиган кийимларда, футболкада, майка, кроссовкаларда юришади. Сочларининг узунлиги бир қарич, нари борса икки қарич, аксарияти тўрт энлик.

-Муҳаббат бобида-чи?

-Муҳаббат бобида, ундан ҳам оддий. Айтайлик йигит билан қиз учрашиб, бир-бирини ёқтириб қолишса, бир соатдан кейин улар бирга яшайверишлари мумкин. Бу уларнинг маслағига, дунёқарашига боғлиқ. Кўнгилга тўғри келдими, тамом... Маслаҳат ҳам солишмайди. Бу ерда ўн етти, ўн саккиз ёшдан кейин ҳар бир фарзанд мустақил саналади. Ота-оналаридан бир йилда бир хабар олишади ёки

МУҲАММАД ИСМОИЛ

шу ҳам йўқ. Баъзи оилаларда масалан: ота иш бўйича Техасда яшайди, ўғли Чикагода, онаси Вашингтонда.

-Айтинг-чи, мен Америка қизларига бир қарашда ёқиб қолишим мумкинми?

-Мумкин, лекин афсуски сиз инглиз тилини билмайсиз. Тилни билган тақдирингизда ҳам сиз аввало ўзингизга нисбатан қизиқтира олишингиз керак. Бу энди анча мураккаб.

-Ташқи кўринишим-чи?

-Ташқи кўринишингиз алдамчи бўлиши мумкинлигини ҳам ҳисобга олишади.

-Нега?

-Бу ерда бой ёки камбағални ташқи кўринишига қараб билиб бўлмайди. Миллионерлар ҳам оддий, бизларда ўрта ҳол одам киядиган кийимда юради. Улар асосан ақли, дунёқарашининг кенглигига эътибор беришади. Уларни кўпинча кутубхона залларида учратиш мумкин. Шаҳарнинг қайси бурчагидаги кутубхоналарга борсангиз лиқ-лиқ тўла одамни учратасиз. Ҳатто, китоб дўконлари ҳам ошхоналар билан чатишиб кетган. Бир янги китобни сотиб олишдан аввал уни шу ерда истаганча ўқиб, чой, кофе ичишингиз, кейин ҳатто китобни сотиб олмай чиқиб кетишингиз ҳам мумкин. Бу оддий ҳол.

-Мана сиз дунё кўрибсиз, ўзингиз энди кимга, қанақа одамга турмушга чиқасиз?

-Америкада мингга яқин ўзбек талабалари таълим олади. Қолаверса ота-онам ҳам қараб туришмас.

(Давоми бор.)

Gulnora says :
- I will go to AMERICA



ҲОЛ - АҲВОЛ СЎРАШ

How do you do? -
Аҳволларингиз қалай?
I am fine, thank you -
Жуда яхши, раҳмат.
Why you look so upset? -
Нега хомуш кўринасиз?
Because I have lost my suitcase (bag) -
Чунки мен жомадонимни (сумкамни) йўқотиб қўйдим.
Do not worry, we will find it together -
Ҳавотир олманг, биз уни биргалашиб топамиз.

ИНГЛИЗ ТИЛИ СИЗ УЧУН
ENGLISH FOR YOU

ТАНИШУВ - INTRODUCING

What is your name? -
Сизнинг исмингиз нима?

My name is Suhrob -
Менинг исми Сухроб.


What is your profession
Сизнинг касбингиз нима?

May I introduce myself my friend? -
Ўзимни(дўстимни) таништираман
майлими?

Please meet my friend -
Марҳамат, дўстим билан танишинг.

I am pleased to meet you -
Сиз билан учрашганимдан хурсандман.

Bezkod says : - I will play with bears
in YELLOWSTONE NATIONAL
PARK.



СЎЗ ВА ИБОРАЛАРНИ ЁД ОЛИНГ

HAPPY (HAPPINESS) -
БАХТЛИ (БАХТ)
BIRTHDAY - ТУФИЛГАН
КУН
PRESENTS - СОВҲАЛАР
CAKE - ТОРТ (ПИРОГ)
DRINKS - ИЧИМЛИКЛАР
HONEY - АСАЛ
MONEY - ПУЛ
TO BUY - СОТИБ ОЛМОҚ

TO SELL - СОТМОҚ
TO GIVE - БЕРМОҚ
TO TAKE - ОЛМОҚ
HAPPY BIRTHDAY TO YOU-
ТУФИЛГАН КУНИНГ БИЛАН
TO BUY PRESENTS (MEDICINES) -
СОВҲАЛАР (ДОРИЛАР) СОТИБ
ОЛМОҚ
TO CATCH COLD - ШАМОЛЛАБ
ҚОЛМОҚ

HOW MUCH DOES IT COST? -
БУ НЕЧА ПУЛ ТУРАДИ?
HOW MUCH DOES THAT
YELLOW DRESS COST? -
АНАВИ САРИҚ КЎЙЛАК
НЕЧА ПУЛ ТУРАДИ?
BE READY - ТАЙЁР ТУР (БЎЛ)
GOOD NIGHT - ХАЙРЛИ ТУН.

ШОҲРУҲ МИРЗО

HAZIL SHE'RLAR

SUV

Mayin bo'lib oqasan,
Ko'ngillarga yoqasan.
Shivir-shivir ovozing,
Ayt-chi, qayga shoshasan?

Ariq bo'ylab yugurib,
Hecham yo'ling tugamas.
Mayin bo'lib oqasan;
Sen dillarga yoqasan.

BAHOR

Bahor keldi o'lkamga,
Daraxtlar yoydi yaproq.
Uchib keldi qushchalar,
Ko'm-ko'k bo'ldi hamma yoq.

Navro'z bayrami bo'ldi,
Doshqozonda sumalak.
Atrofida momolar,
Qilarlar shirin tilak.

Oygul YUSUPOVA,

Shayhontoxur tumanidagi,

320- maktabning, 5-«B» sinf o'quvchisi

ONA TUPROQ

Bir kun kechasi Afandi ko'chada ketayotib, katta bir dumaloq uychaga ko'zi tushibdi. U yaxshilab qarasa, uychaning ichida turli rangli chiroqlar o'chib-yonib turgan emish. U «Mahallamizga choyxona qurilibdi», -deb o'ylabdi. U yaqinroq borib «Bozorvoy, xoy Bozorvoy»-deb baqira boshlabdi. Biroz o'tmay «choyxona»ning ichidan bo'ylari kichkina, kallasi tuxumsimon odamchalar chiqib kelibdi. Afandi:

-Siz kimsiz, -deb so'rabdi.

-Biz o'zga sayyoraliklarmiz, -deb javob berishibdi ular.

-Bozorboy qani?

-Biz hech qanaqa Bozorboyni tanimaymiz, sayyoramizga bir odam olib ketgani keldik...

-Kimni? -qo'rqa-pisa so'rabdi Afandi.

-Hohlasang seni. Biz bilan ketasanmi? -deb so'rabdi biri.

-Sayyorangizda g'ishtli uylar bormi? -so'rabdi Afandi.

-Yo'q, lekin biz senga undan ham zo'r narsadan uy qurib beramiz, -deyishibdi ular.

-Kechirasiz, men o'z uyimni yaxshi ko'rganam-da, -debdi Afandi.

Odam o'z vatanidan ajralmagani yaxshi...

-Ha, sen ona yurtningni asl farzandi ekansan, -deb javob berishibdi ular.

O'z Vatanida yashab, shu yerning o'zida qolgan qanday yaxshi. Inson o'z kindik qoni to'kilgan yerni Vatanim deya ataydi. Unga kerak bo'lsa jonini ham beradi. Chunki dunyoda muqaddas tuproqdek aziz narsa yo'q.

Anvar QODIROV,

Akmal Ikromov tumanidagi 229-maktabning
6-«A» sinf o'quvchisi.

ТУГИЛГАН САНАНИ ТОПИШ

Кишининг туғилган санасини тахминлаб топиш ўйинлари турлича усуллар билан ечилиши мумкин. Куйида ана шу усуллардан бири билан таништирамиз. Тўғри, биз сизга тақдим этмоқчи бўлган ҳисоблаш йўли анча мураккаб. Ва у шунинг учун ҳам одамда кучли таассурот қолдиради.

Айтайлик, акангиз 18 майда туғилган. Яқинда у 23 ёшга тўлди. Ҳозирча бу санани билмайман албатта. Мен сизни бир неча сонлар қаторини санашга мажбур қиламан ва айтилган сонлар орасидан сиз туғилган сана ва ёшингизни топиб olasiz.

Алхусус: туғилган ойингиз (май, 5 ой) тартиб ўрни рақамини юзга кўпайтиришингизни сўрайман. Кўпайтмага ой кунини ифодаловчи рақам (18 ни) кўшилади, йигиндини 2 га кўпайтирилади, натижага 8 кўшилади. Чиққан сонни 5 га кўпайтирилади. Йигиндини 4 га кўшилади. Натижа 10 га кўпайтирилади, унга 4 кўшилади. Ва ҳосил бўлган сонга ёшингизни (23) ни кўшасиз.

Бу амалларни бажариб бўлгач, сиз менга ҳосил бўлган сонни айтасиз. Мен ундан 444 ни воситачи фарқни эса ўнгдан чапга қараб қисмларга ажратаман, уларнинг ҳар бирида иккитадан рақам бўлади. Худди ана шу жуфт рақамлар ой ва ёшингизни кўрсатади.

Қани юқорида баён этилганларни математик усулда ифодалайлик-чи:

$$5 \times 100 = 500$$

$$500 + 18 = 518$$

$$518 \times 2 = 1036$$

$$1036 + 8 = 1044$$

$$1044 \times 5 = 5220$$

$$5220 + 4 = 5224$$

$$5224 \times 10 = 52240$$

$$52240 + 4 = 52244$$

$$52244 + 23 = 52267$$

Ҳосил бўлган сон 52267 дан 444 ни айирсак 51823 қолади.

Энди бу сонни ўнгдан чапга қараб иккитадан рақамга бўлиб чиқамиз:
5- 18 - 23

Демак, сиз 5- ойнинг 18- кунини туғилгансиз. Ёшингиз 23 да.

Нега бундай аниқ чиқди?

Куйида берилган тенгламани ечсангиз бунинг сири маълум бўлади.

$$\{[(100m + t) \times 2 + 8] \times 5 + 4\} \times 10 + 4 + n - 444 = 10000m + 100t + n$$

Бу ерда m - туғилган ойнинг тартиб рақами, t - ой сони, n - ёш кўрсаткичини ифодалайди. Тенгламани чап қисми сиз бажарган амаллар тартибини ифодалайди. Ўнг қисми эса амалларни бажариб қавсларни очганда чиқиши керак бўлган сон. $10000m + 100t + n$ ифодасида на m, на t ва на n иккитадан ортиқ сонни ифодалай олмайди. Шунинг учун чиққан натижа доим иккитадан рақамли уч қисмга бўлинадиган сон бўлади. Бу икки рақамли учта биз излаётган m, t ва n сонларининг айнан ўзгинасидир.

Ишонмасангиз сиз ҳам ўзингизнинг, яқинларингизнинг туғилган санасини шу тарзда топиб кўринг.

TOSHNING
«BAHONASI»

Nega yengilding Nordan,
Kecha kurashgach qirda?
Yiqitardim-ku, uning
Dadasi direktor-da!

«PELE»

«PELE» deb chaqirishar,
Bolalar doim Xolni.
U mutlaqo o'ynamas,
Aslida-chi, futbolni.

Mashhur kishi nomini,
Olib yurish qanday soz.
U Pelega o'xshaydi,
Rang jihatidan xolos!


AKSA

Negadir ust-ustiga,
Aksa urgandi Sobir.
Salomat bo'li-deb qo'ydi,
Unga o'rtog'i Bobur.

Rahmat!-deb chuchkurishda
Sobirvoy davom etdi.
Do'sti: «E, bas-da!»-deya,
O'midan turib ketdi.

O'tkir SAIDOV.

«БОШҚОТИРНА»



МУМТОЗ ШОИРЛАР

Азиз ўқувчилар! Шаклга «Й» ҳарфи билан тугайдиган тўққизта шарқ мумтоз ижодкорларини номини устунлар бўйича ёзиб, топқирлигингизни синаб кўринг.

Фозилжон ОРИПОВ
ТУЗДИ.

«Тонг юлдузи»га



Ўзбекистон болалари
ва ўсмирларининг
газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ
ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:

Умида

АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Шухрат АХМЕДОВ,
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Хотам АБДУРАИМОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир
«Ijod dunyosi»
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 39092
нусхада босилди. Ҳажми
2 босма табоқ.
Буюртма - К-7843
Газетани PENTIUM-III
тпх компьютерида
Абдухамид
АБДУҒАФФОРОВ
саҳифалади.
Навбатчи:
Маъмура
МАДРАХИМОВА

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 000137
Манзилимиз
700129,
Тошкент шаҳар,
Навоий кўчаси 30-уй.

Тел: 144-62-34